

Долзарб мавзу

БАЛИҚЧИЛИК: МУВАФФАҚИЯТЛАР, МУАММОЛАР, РЕЖАЛАР

- **Балиқ маҳсулотларининг инсон соғлигини мустаҳкамлашдаги ўрни бекиёс.**
- **Кўпчилик фермер хўжаликларида хавзалар ҳосилдорлиги нега паст?**
- **Наслчилик ишлари - соҳа равнақи омили.**
- **Имконият-резервлар тўла ишга солинса, сув хавзалари модернизация қилинса...**
- **Интенсив технология - мўл, арзон, сифатли маҳсулот етиштириш гарови.**

Балиқчилик тармоғи озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим стратегик йўналишларидан бири ҳисобланади. Кейинги вақтларда кўрилатган чора-тадбирлар туфайли юртимиз иқтисодиёти таркибида балиқ маҳсулотлари улуши ортиб бораётганлиги қувончли ҳолдир.

Балиқ маҳсулотларининг инсон соғлиги, иш фаоллигини оширишдаги ўрни, роли бекиёс. Унинг таркиби калий, кальций, магний, фосфор, хлор каби макроэлементлар, шунингдек, темир, йод, кобальт, марганец, мис, никель, хром, рух, молибден каби микроэлементларга бой. Булардан ташқари, балиқ таркибида киши организми учун зарур бўлган бошқа кўплаб фойдали витаминлар мавжуд.

Биобарин, балиқ маҳсулотларини мунтазам равишда истеъмол қилиш инсон соғлиги учун кони фойда. Шу боис шифокорлар болаларнинг кунига 30-45, катта ёшдаги кишиларнинг эса 50-75 граммдан балиқ истеъмол қилишларини тавсия этишади.

Ана шу талаб-эҳтиёжлар назарда тутилиб, тармоқни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнги уч йилнинг ўзид

давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев томонидан тармоққа оид - балиқчиликни ривожлантириш масалаларига бағишланган қатор қарорлар қабул қилинди.

Жумладан, Президентимиз томонидан 2017 йил 1 майда қабул қилинган "Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан мавжуд табиий ва сунъий сув хавзаларидан унумли фойдаланиш, балиқ етиштиришнинг илмий асосланган усуллари, интенсив технологияларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, тармоқнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, 2018 йил 6 апрелдаги "Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан балиқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган эркин иқтисодий зонани ташкил этиш, балиқнинг турли зотларини иқлимлаштириш орқали унинг турлари чавақларини яратиш, шу мақсад учун мўлжалланган сув хавзаларини модернизация қилиш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоқлаш тизимини такомиллаштириш каби

долзарб вазифалар кун тартибига кўйилди.

Президентимизнинг Хоразм вилоятига 2017-2018 йиллардаги ташрифи чоғида берган йўл-йўриқ, кўрсатмалари асосида вилоят ҳокимлиги, "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси ва "Ипотекабанк" АТИБ томонидан Хива туманидаги "Хоразмбалиқсаноатагро" МЧЖ негизидан балиқчилик кластери ташкил этилди. Корхона цехларига 1,5 миллион АҚШ доллари эвазига Хитой давлатидан замонавий ускуналар келтириб ўрнатилди. Бу эса соатига 4 тонна озуқа ҳамда балиқ маҳсулотларидан 500 тонна консерва ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган қайта ишлаш линиясини ўрнатиш имкониятини яратди.

Шунингдек, Вьетнам давлати тадбиркорлари билан имзоланган меморандум асосида "Эшонравот балиқлари" фермер хўжалиги ва Вьетнам давлатининг "Нгуен ДУК ЧИ" хусусий фирмаси негизидан устав жамғармаси 3 миллион АҚШ доллари тенг бўлган "Хоррот-вьет" Ўзбекистон - Вьетнам қўшма корхонаси ташкил этилди.

Шу аснода хайрли ишларни бошлаб юбориш мақсадида Вьетнам давлати

тадбиркорлари томонидан 400 минг АҚШ доллари қийматидаги инвестиция киритилди. Хорижлик шериклар томонидан 25 минг АҚШ доллари эвазига 570 минг дон Вьетнам лаққаси, окунь, сазан ва бошқа тур зотдор балиқлар олиб келинди.

Кези келганда таъкидлаб ўтиш жоизки, об-ҳаво шароитларининг қулайлиги туфайли Вьетнамда йил - 12 ой мобайнида интенсив усулда балиқ етиштирилади. Қиёсий таҳлиллар бизда балиқ етиштирадиган сув хавзаларининг нисбатан катта, ҳосилдорликнинг эса паст эканлигини кўрсатади. Жумладан, бундай майдонлар бизда 18-75 гектарни ташкил этса, Вьетнам давлатида ўртача 0,5-1 гектарга тўғри келади. Бундай фарқлар хавзалар ҳосилдорлигида ҳам кўзга ташланади. Жумладан, бизда ҳар гектар хавза майдонидан 2,4-4 тоннадан балиқ овланса, хорижлик ҳамкасблар 5,6 метр чуқурликдаги хавзалар сувларига аэрадор мосламалари воситасида кислород етказиб бериш, жониворларни протеинга бой омихта емлар билан тўйимли озиқлантириш ҳисобига бу кўрсаткични 200 центнерга етказмоқдалар.

Тўғри вилоятимизда сув хавзалари қайтимини, ҳосилдорликни ошириш йўлидан бораётган балиқчилар йўқ эмас. Жумладан, ўтган йили Урганч туманидаги "Тангриберган балиқчи", Ҳазорасп туманидаги "Сотимбой балиқчи", "Сарвар, Санъат, Бахтиёр", Хива туманидаги "Болтабой оқсоқол" каби қатор пешқадам фермер хўжаликлари сув хавзаларининг гектари ҳисобига 47-67 центнердан ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар.

Бироқ кўпчилик хўжаликларда хавзалар ҳосилдорлиги пастлигича қолаётир. Луқмаи ҳалолни етиштиришнинг интенсив, самарали усуллари соҳа ишлаб чиқаришига сусткашлик билан жорий этилапти. Шунингдек, жониворларни озиқлантиришда зооветеринария қоидаларига тўла амал қилинмаётганлиги қоқликнинг асосий сабабларидир.

2017 йилда вилоятимизда 9400 тоннадан зиёд балиқ овланди. Бу аҳоли жон бошига 5,6 килограммдан тўғри келади, демакдир. Бундай кўрсаткич талабга монанд эмас, албатта. Шу боис истиқболда мавжуд имконият-резервлардан унумли фойдаланиш асосида луқмаи ҳалолни етиштиришни кўпайтириш тадбирлари кўрилмоқда.

2019 йилда тармоқни ривожлантириш бўйича 43 та лойиҳа белгиланиб, уларга жами 40,5 миллиард сўм йўналтириш, барча тоифадаги хўжаликлар бўйича 20 000 тонна балиқ маҳсулотлари етиштириш режалаштирилган. Вилоятдаги 2059 гектар кичик, кам ҳосилдор табиий сув хавзаларида мелиорация ва чуқурлаштириш ишларини ўтказиш ҳисобига қўшимча равишда 4485 тонна балиқ етиштириш мўлжалланаяпти.

Сунъий кўллар босқичма-босқич интенсив усулда балиқ етиштиришга ўтказилиб, хавзаларда мелиорация ишларини амалга ошириш эвазига ҳар гектар сув майдонидан олинадиган маҳсулот ҳажми 65 центнерга етказилиб, қўшимча равишда 2657 тонна балиқ ишлаб чиқариш таъминланади.

"Хоразмбалиқ" МЧЖда 2000 тонналик музлаткич омбори ва 9000 тонна озуқа ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган линия тармоқдаги йирик лойиҳалардан бўлиб, уларнинг қиймати 16 миллиард сўмни ташкил этади.

Шунингдек, "Хоразмбалиқсаноатагро" МЧЖда балиқ қолдиқларидан озуқабоп ун, "Уммонбалиқ" фермер хўжалиги томонидан ёпиқ сув айланмаси тизимида 160 тонна балиқ етиштириш бўйича лойиҳаларни ўзлаштириш кўзда тутилмоқда.

Амалга оширилаётган бундай тадбирлар жорий йилда балиқ ишлаб чиқаришни 2018 йилга нисбатан 70000 тоннага кўпайтириш ёки унинг ялпи салмоғини аҳоли жон бошига 11,4 килограммга етказиш, эл дастурхонида балиқ маҳсулотлари мўл-кўллигини таъминлаш имкониятини яратиши, шак-шубҳасиздир.

Оллаберган РАЖАБОВ.